



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

125 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “O‘RTA ASIA
MAHSULOTLARI” МЧЖга чорвачилик
учун узок муддатли ижарага ер участкаси
ажратиб бериш тўғрисида

Тумандаги “O‘RTA ASIA MAHSULOTLARI” МЧЖ раҳбари
З.Бабажановнинг чорвачилик ташкил қилиш учун туман ҳокими номига
йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ
хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича
туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгашининг хулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер
кодекси”нинг 6,53-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий
давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “O‘RTA ASIA MAHSULOTLARI” МЧЖга “А.Навоий”
худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича
847, 848, 849, 851, 882, 883, 885, 887к-контурлардаги жами 15,2 гектар,
шундан 14,6 гектар экин ери, 0,5 гектар ариқ ва зовурлар остидаги,
0,1 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасини
чорвачилик йўналишида фойдаланиш учун 30 йил муддатга ижарага ажратиб
бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ
хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича
туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. Тумандаги “O‘RTA ASIA MAHSULOTLARI” МЧЖга “А.Навоий”
худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича
847, 848, 849, 851, 882, 883, 885, 887к-контурлардаги жами 15,2 гектар,

шундан 14,6 гектар экин ери, 0,5 гектар арик ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасини чорвачилик йўналишида фойдаланиш учун 30 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокими билан тумандаги “O’RTA ASIA MAHSULOTLARI” МЧЖ ўртасида ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. Тумандаги “O’RTA ASIA MAHSULOTLARI” МЧЖга ўзига ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, арик бўйларига тут кўчатлари ўтқазииш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев